

БАНК АЖБОРОТНОМАНИ

Банк ходимлари ва тadbиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтга утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 12 (1087), 2017 йил 23 март

Яшариш, янгилашиш ва меҳр-оқибат айёми – Наврўзи олам муборак бўлсин!



БАНК КРЕДИТЛАРИ: МАМЛАКАТИМИЗ РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида янги босқични бошлаб берди.

Яқин беш йилга мўлжалланган мазкур тарихий аҳамиятга эга ҳужжатнинг учинчи йўналишида хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоялашни таъминлаш, барча турдаги тўсиқлар ҳамда чеклашларни бартараф этиш, ишбилармонликни ривожлантиришга тўлиқ эркинлик беришга алоҳида аҳамият қаратилгани эътиборга молик. Банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилиш, молия-банк соҳасини

ислоҳ этиш, хусусан, миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш бўйича кўзда тутилган чора-тадбирлар бу борда кенг қўламли ислохотлар изчиллигига хизмат қилади.

Белгиланаётган устувор вазибаларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Зеро, бозор иқтисодиёти моделида банк тизими иқтисодий механизмларнинг тўқис ишлашида муҳим ўрин тута-

ди. У умумий пул массасини мувофиқлаштириш, молиявий оқимлар ҳаракатини назорат қилиш, пул маблағларини жамлаш ва инвестиция қилиш, хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда фаол иштирок этиб, тармоқлар ва аҳолини кредит маблағлари билан таъминламоқда.

2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард доллар миқдорига қарийб 650 инвестициявий лойиҳани назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилган. Натижада кейинги 5 йилда sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,5 барабар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғидаги улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади.

(Давоми 2-бетда).

«Пойтахт банк» ташкил этилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 мартдаги «2017-2021 йилларда Тошкент шаҳрида арзон кўп квартиралар уйлари куриш кўламини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2824-сонли Қарорига мувофиқ, Ўзбекистонда янги акциядорлик тижорат уй-жой-қурилиш жамғарма банки – «Пойтахт банк» ташкил этилади. Мазкур банк Тошкентнинг Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 43-уй манзилида жойлашади.

«Пойтахт банк»нинг асосий вазибалари куйидагилардан иборат бўлади:

● аҳоли ва юридик шахсларга ипотека кре-

дити тақдим этиш ҳамда уй-жойга бўлган талаблари қисмида банк хизматларини кўрсатиш;

(Давоми 3-бетда).

Европа тикланиш ва тараққиёт банки делегациясининг учрашувлари

Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабарти бошчилигидаги делегация аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида учрашувлар ўтказди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати расининг биринчи ўринбосари С.Сафоев билан учрашувда Ўзбекистон билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз юритилди.

ЕТТБ вакилларига Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида маълумот берилди. Мамлакатимизда иқтисодий

ислохотлар, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани таъкидланди.

Сума Чакрабарти Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тутган ўрни жуда муҳимлигини, ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги саҳифаси очилганидан гоят мамнун эканини алоҳида таъкидлади.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки Президентини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари О.Раматов билан учрашди.

(Давоми 4-бетда).

БАНК КРЕДИТЛАРИ: МАМЛАКАТИМИЗ РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Молия-банк тизимини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган мақсадли параметрларда 2017-2021 йилларда банклар капитални 2 баравар, депозитлар ҳажмини 2,1 баравар ошириш режалаштирилган. Банклар капиталининг ортиши ва ресурс базасини мустаҳкамлаш инвестиция кредитлари ҳажмини 1,7 баравар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришни 2,2 баравар оширишни таъминлайди.

Тизимда содир бўлаётган бундай ўзгаришлар муайян шаклда бутун иқтисодиётда акс этмоқда. Бинобарин, яратилган изчил инфратузилма, мизот кўрсатишнинг турли методлари қўлланилиши бозор механизмларининг самарали ишлашини таъминлайди. Янги турдаги сугурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматлар ҳисобига уларнинг ҳажмини кенгайтириш, сифатини ошириш, корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш ҳам доимий эътиборда.

Мамлакатимиз тижорат банклари олдига халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланиш вазифалари қўйилмоқда. Шу боис Марказий банк тижорат банклари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитасининг талабларига асосан тижорат банкларимиз капиталнинг етарлилиги ва ликвидлиги даражаси кўрсаткичлари бўйича талаблар ўрнатилган меъёрлардан юқори даражада ҳисобланади.

Албатта, бошқарув ва банк таваккалчилиги тизимида илгор хорижий амалиётлар асосида тижорат банкларида менежмент таваккалчилиги самарадорлигини янада ошириш зарурати пайдо бўлмоқда. Бунинг учун мамлакатимиз иқтисодий ривожланишининг замонавий талабларига жавоб бермайдиган ҳужжатларни бекор қилиш учун банк фаолиятини тартибга солишга оид Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини инвен-

таризация қилиш, тижорат банклари фаолиятига давлат ҳокимияти органлари томонидан маъмурий аралашувларга йўл қўймаслик керак. Шунингдек, асосий эътиборни банк кредит портфели миқдорини доимий ошириш, унинг сифатини яхшилаш, инвестицион лойиҳаларни молиялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш қўламини янада кенгайтиришга қаратиш самара бериши шубҳасиз.

Хўш, бу вазифаларни амалга оширишда банк тизимида қандай муаммолар мавжуд? Аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг банклардан кредит олишларида, айниқса, инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришда кредит таъминотининг етишмаслиги ҳолати учраб турибди. Бу му-

бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига маслаҳат ёрдамлари кўрсатиб, юқори технологияли ва инновациявий ишлаб чиқаришлари ташкил этиш ва кенгайтиришда кичик тадбиркорлик субъектларига қўмаклашади.

Кредит шартномаси (лизинг шартномаси) бўйича қарз олувчининг мажбуриятларини бажариш мақсадида Кафолат жамғармаси кредит берувчи банк ва қарз олувчи ўртасида тузиладиган кафиллик шартномаси асосида ишонч хати тақдим этади. Тижорат банкларининг кичик тадбиркорлик субъектларига янги замонавий технологик ускуналар харид қилиш ва бошқа мақсадларда бериладиган кредитлари бўйича Кафолат жамғармасининг таъминоти кредитнинг гаров билан қопланмаган қисми умумий

15-17 фоиздир. Демак, туман ва шаҳарларда сугурта, лизинг ва баҳоловчи компанияларнинг бўлимларини, агентларини ташкил қилиш орқали мазкур тармоқни янада ривожлантириш ва улар кўрсатадиган хизматлар тури ва қўламини кенгайтириш зарур.

Президентимиз халқимизни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича банкларга тегишли вазифалар юклади. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йилнинг декабридан бошлаб жойларда қизгин ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ҳудудлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ва банк филиаллари дислокацияси, хонадонлар ва меҳнатга лаёқатли аҳоли сони асосида ҳар бир банк филиалига тегишли маҳаллалар бириктирилган. Бириктирилган мута-

Имтиёзлимикредитлашнинг кенгайтирилиши кичик тадбиркорлик, аввало, оилавий ва хусусий тадбиркорлик соҳасида янги иш ўринлари ташкил этиш, уларнинг микромолиявий хизматлардан фойдаланишини оsonлаштириш, аҳолининг энг кам таъминланган ва ҳожатманд қатламлари даромадларини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини кучайтиришга хизмат қилади.

Зеро, имтиёзли микрокредитлар энг кам иш ҳақи миқдорининг 200 баробаригача, асосий қарзни тўлашга олти ой муддатли имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда, уч йилгача муддатга берилди. Агар тадбиркор битта иш ўрни яратса, кредит 9 фоиз, иккита иш ўрни яратилганда 8 фоиз, учтадан тўрттагача иш ўрнига 7 фоиз, бешта ва undan ортиқ иш жойлари яратилганда 6 фоиз миқдориди берилди.

Қарорда ўрнатилган тартибга мувофиқ мурожаат этувчи томонидан микрокредитни қайтаришни таъминлай олмаслик ҳолати вужудга келса, тижорат банклари микрокредит таъминоти сифатида энг кам иш ҳақининг юз баробаригача миқдорда микрокредитлашда харид қилинадиган мулкни ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кафиллигини инобатга олади. Агар энг кам иш ҳақининг юз баробаридан ортиқ миқдорда микрокредит берилганда учинчи шахннинг кафиллигини, сугурта ташилотларининг сугурта полисларини ва қонун ҳужжатлари доирасида бошқа таъминлаш турларини қабул қилиб олишлари йўлга қўйилади.

Марказий банк ушбу микрокредитлаш тизимини жорий йилда Тошкент шаҳрида амалга оширишни мўлжалламоқда. Йил якунида тажриба натижалари таҳлил қилиниб, бошқа ҳудудларда ҳам татбиқ этилади. Амалга оширилиши кўзда тутилган бу каби кенг миқёсли чора-тадбирлар аҳоли турмуш даражасини сифат жиҳатдан янги bosқичга олиб чиқиш ва юртимизда «Инсон манфаатлари ҳар нарсадан улуғ» принципини ҳаётга изчил татбиқ этишга хизмат қилади.

Жаҳонгир АБДУРАСУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Кредит ташкилотлари
фаолиятини лицензиялаш
ва тартибга солиш
департаменти директори
ўринбосари
(ЎЗА).



аммони ҳал этиш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, харидоригир бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун тижорат банкларидан бериладиган кредитлар олиш имкониятларини кенгайтириш орқали кичик тадбиркорлик субъектларини жадал ривожлантиришда янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Марказий банк ташаббуси билан Кичик тадбиркорликни ривожлантириш кафолат жамғармаси ташкил этилди.

Мазкур жамғарма кичик тадбиркорлик субъектларига янги замонавий технологик ускуналар харид қилиш ва бошқа мақсадларда бериладиган тижорат банклари кредитларининг гаров билан қопланмаган қисмини таъминлаб беради. Жамғарма ресурс базасини кенгайтиришга халқаро молия институтлари, хорижий фондлар ва банкларнинг маблағларини жалб этиш кўзда тутилмоқда. Жамғарма кредитлар олиш шартлари

миқдорининг 50 фоизидан ва эквиваленти 100 миң долларга тенг сумадан ошмаслиги керак. Кафолат жамғармаси тақдим этадиган таъминотнинг максимал умумий миқдори Кафолат жамғармаси маблағларининг 5 баробаридан ортиқ бўлмайди.

Мамлакатимизда сугурта, лизинг хизматлари ривожланмоқда. Бироқ туманларда мазкур хизматлар ва баҳоловчи корхоналар бўлимларининг мавжуд эмаслиги аҳолининг улар хизматларига бўлган эҳтиёжини етарли даражада қоплай олмаяпти. Натижада қишлоқ ҳудудларида тадбиркорликни амалга оширмоқчи бўлган банк мижозлари маблағ ва вақтларини сарфлаб, вилоят марказларига боришига тўғри келмоқда.

Қиёслаш учун тасаввур қилинг: мамлакатимизда ажратилган кредитларнинг қолдигидаги таъминот сифатидаги сугурта полисининг улуши 2,1 фоизни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда

хассислар банк хизматларини таклиф этиш билан бирга, аҳолининг таклиф ва эътирозларини ҳам ўрганмоқда.

Бу жиҳатдан Президентимизнинг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур ҳужжат меҳнат бозорига янги кириб келаётган ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган йигитлар, меҳнат органларида рўйхатга олинган банд бўлмаган фуқаролар ҳамда аҳолининг ишга жойлашишга эҳтиёжманд бўлган бошқа қатламларининг микромолиялаш хизматларидан фойдаланишини кенгайтириш, шунингдек, янги иш жойлари ташкил этилишини таъминлайдиган оилавий, хусусий тадбиркорликни ва бошқа фаолият турларини ривожлантиришни рағбатлантиради.

Реклама

**O'ZSANOATQURILISHBANK****«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ**

Ўз акциядорлари, мижозлари, юртимиз аҳли ва меҳмонларини Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади!

Ушбу шукхли кунларда юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик ва дастурхонларимизга тўкин-сочинлик тилаб, жорий Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан ишлаб чиққан янги «Мулоқот» номли миллий валютадаги муддатли омонат турини таклиф этади.

Омонатнинг сақлаш муддати 7 ой, унга ҳисобланган фоиз даромадлари омонатчига ҳар ойда тўлаб борилади.

**«Ўзсаноатқурилишбанк»:
вақт давомида синалган ишонч!**

Call-centre: 200-43-43
www.uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган.

«Пойтахт банк» ташкил этилади

(Давоми.

Бошланиши 1-бетда).

• арзон кўп хонали уйларни қуриш билан шуғулланадиган пудратчи ташкилотларга кредит маблағлари тақдим этиш;

• арзон кўп хонали уйларни қуриш ва лойиҳалаш қисмида буюртмачи функциясини бажариш;

• Тошкент шаҳрида арзон кўп хонали уйларни қуришга ихтисослашган пудратчи ташкилотларга кредит ва лизинг хизматларини кўрсатиш;

• арзон кўп хонали уйларни молиялаштиришга хорижий инвестициялар ва халқаро институтларнинг маблағларини жалб қилиш;

• муҳандислик инфратузилмасини яхшилашни кўзда тутадиган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда инвестиция фаолиятини бажариш;

• замонавий, тежамкор ва талабгир қурилиш материалларини ишлаб чиқарадиган ташкилотларни кредитлаш;

• юридик ва жисмоний шахсларга универсал банк сифатида банк хизматларини кўрсатиш.

«Пойтахт банк»нинг устав жамғармаси 10 млн. евродан кам бўлмаган миқдорда, шундан 3 млрд. сўм Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджети ҳисобидан, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларни жалб қилиш, жумладан, хорижий инвесторлар ҳисобига шакллантирилади.

Устав жамғармаси шакллантирилгандан кейин ҳамда зарурий ҳужжатлар тақдим этилгач, Марказий банк «Пойтахт банк»ни давлат рўйхатидан ўтказиши ва ўрнатилган тартибда хорижий валюта операцияларини ўтказиш бўйича лицензия беради.

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Матбуот хизмати.**

Истикболли лойиҳалар фаровонликка хизмат қилади

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида тижорат банклари мамлакатимизда муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этувчи аҳоли бандлигини таъминлашга кўпроқ эътибор қаратмоқда.

Хусусан, «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки бизнес лойиҳаларини молиялаштиришда қатор мезонлар, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг янги иш ўринларини ташкил этиш, ҳудудларда ишлаб чиқариш ва сервис соҳасининг муайян турига бўлган эҳтиёж ҳамда имкониятларни ҳисобга олмоқда. Ўрганишлар натижасидан келиб чиқиб банк ходимлари ўша минтақа аҳолиси ва тадбиркорларига соҳанинг у ёки бу тури билан шуғулланишлари бўйича бизнес-режаларни таклиф қилмоқдалар.



Муассасанинг мана шундай саъй-ҳаракатлари, қолаверса, молиявий кўмагида Қашқадарё вило-

ятида «Мароқанд парранда» масъулияти чекланган жамияти томонидан курка етиштириш кўзда тутилмоқда.

Лойиҳанинг умумий қиймати 29,5 млрд. сўмни ташкил этиб, Бельгия, Германия ва Франция давлатларидан паррандачиликка ихтисослашган замонавий ускуналар келтирилади.

Таъкидланишича, лойиҳани амалга оширишга вилоятнинг Қамашли туманидаги минглаб аҳоли жалб қилинади. Бунда ҳар бир хонадонга 50 бошдан курка парвариш учун етказиб берилади. Бундан ташқари, корхонанинг ўзида ҳам 120 та иш ўрни ташкил этилади. Режага мувофиқ, «Мароқанд парранда» МЧЖ томонидан умумий миқдорда йилга 3 млн. дона тухум, 2 млн. курка жўжаси етиштириш мўлжалланмоқда.

(Давоми 5-бетда).

Европа тикланиш ва тараққиёт банки делегациясининг учрашувлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унда Ўзбекистон ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

С.Чакрабарти Европа тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларда, иқтисодиётнинг турли соҳаларига сармоя жалб этишда фаол иштирок этиш истагини билдирди.

Ҳамкорликда металлургия, маши-

насозлик, тўқимачилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, инфратузилма, сармоя, саноат, транспорт ва транспорт коммуникациялари каби соҳаларда амалга оширилиши режалаштирилаётган қатор лойиҳалар хусусида сўз юритилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида ҳамкорликка оид Англашув меморандуми ва Ўзбекистон Республикаси билан ЕТТБ ўртасида Марказий Осиё

учун экологияни қайта тиклаш бўйича амалий тадбир ўтказиш тўғрисида ҳадли битим имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида ўтган учрашувда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожлаётгани, кейинги йилларда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8 фоиздан юқори бўлиб келаётгани таъкидланди.

Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан профицит билан бажарилмоқда. Ташқи савдо айланма-

сининг ижобий сальдоси таъминланаётир. Иқтисодиётга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми ҳар йили қарийб 10 фоиз ўсмоқда.

ЕТТБ делегациясига 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, унинг соҳа ва тармоқларини диверсификация қилиш, хусусий мулк ҳимоясини кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш борасида белгиланган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасидаги мулоқотда мамлакатимизда хусусий сектор ишончли ҳимоялангани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик изчил ривожланаётгани таъкидланди.

Кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидеги ҳиссаси қарийб 57 фоиз, саноатда 45 фоизга етган. 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 18 фоиз кўп кичик бизнес субъектлари ташкил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги фармони тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга хизмат қилмоқда.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки делегацияси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасида ҳам музокара ўтказди.

Ўзбекистон бой тарихи, замонавий инфратузилмаси, туризм салоҳияти билан сайёҳларни жалб этаётгани таъкидланди. Меҳмонлар мамлакатимизда туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни юқори баҳолади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони халқаро ҳамкорликка кенг йўл очгани қайд этилди.

Делегация аъзолари мамлакатда туризмни янада ривожлантириш учун меҳмонхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, транспорт коммуникациясини тараққий эттириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қўмаклашиш, турли фестиваллар ва спорт мусобақаларини ташкил этиш каби масалаларда ҳамкорликка тайёр эканини билдирди.

ЕТТБ делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида ҳам бўлди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабарти пойтахтимиздаги пресс-клубда музокара-лар якунлари бўйича матбуот анжумани ўтказди.

Реклама



ХАЛҚ БАНКИ

Акциядорлик тижорат

Халқ банки жамоаси барча юртдошларимизни Шарқона янги йилнинг бошланиши, табиат уйғонишининг рамзи, асл миллий, энг ардоқли байрам

Наврўзи олам

билан чин юракдан муборакбод этади. Наврўз ҳаётимизга сокинлик, оиламизга фаровонлик, дастурхонимизга қут-барака олиб келсин!

Халқ банки юртдошларимизга «Айём муборак» номли янги омонат турини тақлиф этади:

- омонатнинг сақланиш муддати – 12 ой;
- мазкур омонатга аҳолидан пул маблағлари банкнинг жамғарма кассалари томонидан нақд пулда ҳамда банкдаги мавжуд жамғарма ва муддатли омонат ҳисобварақларидаги омонат маблағларини муддати келганда ушбу омонатга қайта расмийлаштириш орқали қабул қилинади;
- омонатнинг энг кам ва энг кўп миқдорлари – чегараланмаган;
- омонатга ҳисобланган устама фоизлар омонатнинг сақланиш муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

Хизматлар лицензияланган.



Реклама



AGROBANK

жамоаси

Халқимизни баҳор айёми —

Наврўз



шодиёнаси

билан самимий муборакбод этади.

**Юртимиз тинч, халқимиз ҳаёти фаровон,
дастурхонларимиз файзу барокатли бўлишини тилаб,
банк ўз хизматларини таклиф этади.**

**Миллий валютадаги «Мулоқот»,
«Халқ фаровонлиги», «Манфаат» номли омонат
турлари, албатта, сизга манзур бўлади.**

**Банк томонидан жорий этилган шу каби 22 турдаги
миллий ва хорижий валютадаги омонат турлари орқали
сиз ўз маблағларингизни кўпайтиришингиз мумкин.**

Хизматлар лицензияланган.

Истиқболли лойиҳалар фаровонликка хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши 3-бетда).

Хоразм вилоятида ҳам «Ўзсаноат-курилишбанк»нинг молиявий мадади билан «Хива насли парранда» масъулияти чекланган жамияти томонидан паррандачилик маркази ишга туширилади. Умумий қиймати 11 млрд. сўмга тенг бўлган ушбу бизнес-режага кўра, Италия ва Хитой ускуналари асосида йилига 51 млн. дона тухум, 1 млн. 40 минг дона жўжа етиштириш мўлжалланган. Эътиборлиси, мазкур лойиҳа ҳам ҳар бир хонадонга 100 тадан жўжа тарқатиш орқали амалга оширилади. Бу билан аҳоли бандлиги ва даромадлигини ошириш имкони яратилади.

«Ўзсаноаткурилишбанк» томонидан молиялаштирилаётган яна бир истиқболли лойиҳа деб Сурхондарё вилоятидаги «Термиз таъминот» хусусий корхонасининг қамишдан плита ДСП-курилиш материали ишлаб чиқариш режасини қайд этиш жоиз. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида вилоятнинг пол қопламалари ва мебель ишлаб чиқариш учун ёғочга бўлган талабини тўлиқ қондириш билан бирга, бошқа ҳудудларни ҳам курилиш материаллари билан таъминлашга эришилади. Бунда 160 нафар йигит-қизнинг ишга жалб қилиниши ва йилига 35,5 млрд. сўмлик маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.

Шундай қилиб, бугунги кунда бир миллиондан зиёд юридик ва жисмоний шахсларга барча турдаги банк хизматларини кўрсатиб келаётган «Ўзсаноаткурилишбанк» АТБнинг миқдорлари базаси мана шундай таклифлар ва намуналар молиявий хизматлар ҳисобига тобора кенгайиб бормоқда.

Муассаса 2016 йил давомида биргина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига 1 трлн. 122 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратиш (бу кўрсаткич 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга кўп) республикамизда ўн мингга яқин янги иш ўринларининг барпо этилишига ўз ҳиссасини қўшди.

Эъзоз КАМОЛОВА.

ТИФ Миллий банкда аҳолини тадбиркор қилиш имконияти кенг

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан ҳар бир оила билан мулоқот ташкил этиш орқали фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, бу борада яратилган қулайларга бағишланган анжуман ўтказилди.

Тадбирда ТИФ Миллий банки масъул ходимлари томонидан ҳудудларда ҳар бир хонадоннинг тадбиркорлик борасидаги имкониятлари чуқур ўрганилиб, уларга «Аҳолини тадбиркор қилиш» дастури доирасида амалий ёрдам берилаётгани таъкидланди.

Айтиш жоиз, мазкур банк тасарруфидаги бўлим ва

филиаллардан жойлардаги маҳаллаларга аҳолини тадбиркорликка йўналтириш бўйича 1 200 нафарга яқин малакали ходимлар бириктирилган бўлиб, улар зиммасига 915 та аҳоли пунктидаги 984 170 та хонадонга ташриф буюрган ҳолда айна пайтда муассаса томонидан имтиёзли тарзда тақдим этилаётган молиявий хизматлар тўғрисида ахборот бериши юклатилган.

— Ходимларимиз аҳоли билан мулоқоти чоғида уй шароитида боғдорчилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, касаначилик, сервис ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларда тадбиркорликни йўлга қўйган ҳолда қонуний асосда ўз корхонасини ташкил этиб, оиласи, ҳудуди, қолаверса, юртимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўлиши мумкинлиги хусусида тушунтиришлар олиб бормоқда,

— дейди **ТИФ Миллий банки аппарати бошлиғи Баҳром Юсупов**. — Бундан ташқари, банк мутахассислари шахсий бизнес билан шугулланиш истагини билдирган фуқароларга намунавий лойиҳалар таклиф этиб, уларнинг кредит ҳужжатларини тайёрлашда ҳам яқиндан кўмаклашмоқда.

Бугунги кунда ТИФ Миллий банкнинг масъул ходимлари томонидан қарийб 800 мингта хонадонларга ташриф буюрилди. Аҳолининг талабидан келиб чиқиб, январь-март ойларида республика бўйича 267 та юридик шахс ва яқка тартибдаги тадбиркор ҳамда 17 401 нафар жисмоний шахсга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 142,6 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилиб, натижада 17 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди.

(Давоми 9-бетда).

Реклама

Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизни Наврўз – умумхалқ байрами билан самимий қутлаймиз. Сизларга мустақкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, Мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақи йўлидаги фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, янги омонат турларини таклиф этамиз.

Миллий валютада:

- «Наврўзи олам» – омонатга маблағлар 12 ойдан 24 ойгача қабул қилинади;
- «Кўклам» – омонатга маблағлар 3 ойдан 6 ойгача қабул қилинади;
- «Бойчечак» – омонатга маблағлар 1 ойдан 3 ойгача қабул қилинади;
- «Нафосат» – омонатга маблағлар 6 ойдан 12 ойгача қабул қилинади.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Хорижий валютада:

- «Стимул» – омонатга маблағлар АҚШ долларида 1 ойдан 3 ойгача қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ўша кунги курси бўйича миллий валютада тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Мурожаат учун:

(+998 71) 150-72-58, 150-39-93.

www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» – фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

Кўшма корхона билан ҳужжат имзоланди

Тошкент шаҳрида 17 март куни «SABOAM» масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон – Бирлашган Араб Амирликлари кўшма корхонаси билан БААнинг «Sheikh Ahmed Bin Obaid Al Maktouh» халқаро инвестициявий компанияси ўртасида ўзаро аниқлашув меморандуми имзоланди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари вази-фасини бажарувчи Назира Дадахонова, Бирлашган Араб Амирликларининг «Sheikh Ahmed Bin Obaid Al Maktouh» халқаро инвестициявий компаниясининг тижорат масалалари бўйича вице-президенти Мажид Иброҳим Али Нақи Ал Заруни ва бошқалар Ўзбекистон билан БАА ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кўплаб йўналишлар

қатори иқтисодиёт, савдо ва сармоя соҳаларида ҳам изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

«SABOAM» МЧЖ кўшма корхонаси 2015 йилнинг июнь ойида «Sheikh Ahmed Bin Obaid Al Maktouh» халқаро инвестициявий компанияси ташаббуси билан мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор тармоқларига инвестиция киритиш ва икки томонлама муносабатларни янада мустақкамлаш мақсадида ташкил этилган.

Компания делегациясининг мамлакатимизга таширифи доирасида ушбу ташкилотнинг соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, енгил саноат, энергетика, машинасозлик каби йўналишлар бўйича инвестициявий дастурларига оид тақдимот бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг амалий ифодаси бўлган бундай лойиҳалар мамлакатимиз иқтисодий ва сармоявий барқарорлигини янада мустақкамлаш баробарида, икки давлат ўртасидаги фаол ва серқирра муносабатларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси остидаги маҳсулотлар кўпаймоқда

Мамлакатимизда яратилган қулай бизнес муҳити самарасида турли соҳаларда, жумладан, тери хомашёсини тайёрлаш ва уни қайта ишлаш, рақобатдош пойабзал ҳамда чарм-атторлик моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кўплаб тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилди.



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 15 сентябрдаги «2016-2020 йиллар даврида чарм-пойабзал саноатини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида «Excel» савдо белгиси остида тайёрланаётган пойабзаллар сифати ва бежиримлиги билан харидорлар эътиборига тушаётгани бунга мисол бўлади.

Харидор пойабзал сотиб олар экан, аввало, у қандай хомашёдан тайёрлангани, сифати билан қизиқади. Агар у асл чармдан тикилган бўлса, иккиланмай харид қилади. Чунки яхши кўндан тайёрланган оёқ кийими бежирим, чидамли бўлади.

«Excellent East» масъулияти чекланган жамияти ана шундай сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган корхоналардан бири.

– Эркаклар учун тўрт мавсумга мўлжалланган пойабзал ишлаб чиқармоқдамиз, – дейди **корхона директори Фазлиддин Мухторхўжаев**. – Маҳсулотларимизнинг бичими, dizайни замон талабларига тўлиқ жавоб беради. Зарур хомашёни маҳаллий ишбилармонлардан олмақдамиз. Ўтган йили 3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда беш млрд. сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш кўтилмоқда. Уларнинг ярмини кўпини экспорт қиламиз.

Корхона бир йилда 200 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотлар Россия, Ҳиндистон, Қозоғистон, Бирлашган Араб Амирликлари каби унга яқин давлатга экспорт қилинмоқда.

«Excellent East» масъулияти чекланган жамиятида олтишдан ортиқ мутахассис меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти коллеж битирувчиларидир.

ЎЗА материаллари асосида.

SMART-технологиялар: мақсадни илгари суриш воситаси

Кўпчилик менежмент дахоси Питер Друкер томонидан 1954 йилда ишлаб чиқилган Smart-технология ҳақида эшитган бўлса, ажабмас. Бироқ ҳамма ҳам унинг нималиги ва амалиётда қандай қўлланилишини тушунмаслиги мумкин.

Уни амалиётга жорий этиш учун, аввало, ахборотларни таҳлил қилиш, мақсадга эришишнинг аниқ муддатини белгилаш, воситаларни мобиллаштириш ва тузилган режага амал қилишга тўғри келади. Аксарият йирик компанияларда бу усулдан фойдаланилади ва у муваффақиятнинг муҳим омили саналади.

Бизнесни қўл остидагиларга аниқ муддат ва мақсадни белгиланган ҳолда вазифа юклагандан туриб муваффақиятли йўлга қўйиб бўлмайди.

Smart сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, «ақлли» ёки «ўйловчи» деган маънони англатади. Унинг ҳар бир ҳарфи ўзининг маъносига эга:

S – мақсад аниқ қўйилган бўлиши керак;

M – ўлчовли;

A – эришилувчи;

R – долзарб, бошқа мақсадлар билан ҳаммаҳанглиги;

T – вақтинча чекловларга эга бўлиш.

Друкер томонидан ишлаб чиқилган бу омиллар уларни диққат билан

ўрганган банк ходимлари ва бизнес вакилларида муваффақият билан қўлланилади.

S – АНИҚЛИК мақсадларни аниқ шакллантиришни назарда тутати. Бу ўринда уларга эришиш муддати ва уларни амалга ошириш йўллари аниқ мўлжал олишни талаб этади. Иложи борича катта, эришиш мушкул мақсадни илгари сурмаслик ва катта бўлмаган қадамлар билан ҳаракат қилмоқ лозим.

M – ЎЛЧОВЛИ мақсадлар омиллари аниқлаш демакдир. Бу ўринда асосийси истиқбол мавжудлигини кўра олиш ва бу билан интилишга бўлган иштиёқни кучайтириш муҳим.

Масалан, агар сиз даромадингизни кўпайтиришни истасангиз, мунтазам равишда фойдангизни фоизлар ёки муайян миқдордаги ўзгаришини назорат қилинг. Хорижий тилни ўрганиш ниятида бўлсангиз муайян муддат давомида эслаб қолишингиз зарур бўлган сўзлар мажмуини аниқлаб олишингиз керак бўлади. Савдони ошириш ёки муайян хизматдан фойдаланувчилар сафи кенгайишини истасангиз инсон аниқ ишлар жадвалини тузиб олиши лозим.

A – ЭРИШИЛУВЧИ МАҚСАДЛАР.

Қўйилган мақсадга эришилиши учун унинг ҳақиқатга яқин бўлиши талаб этилади. Бунда ўзингиз ва ходимларингиз имконияти ва салоҳиятини тўғри баҳолай олишингиз муҳим ўрин тутати. Ҳаммасини ҳисобга олиш керак: сарфланадиган вақти, зарур билим, маблағлар, фойдали ахборот ва бошқа омиллар.

R – ДОЛЗАРБЛИК. Мазкур омилнинг муваффақиятли амалга ошиши банк ходимлари учун ҳақиқатдан ҳам муҳим аҳамият касб этиши назарда тутилгани билан боғлиқ. Smart тизими доирасида мақсадга эришиш имконияти реал баҳоланади. Банк мақсадга эришишга етакловчи имконият ва воситаларининг ҳисобини юритиш ва нима етишмаётганлигини яхши билиш зарур. Аниқ шарт шукки, мақсадлар бир-бирини инкор этмаслиги лозим, аксинча, банк фаолияти давомида илгари сурилган мақсадлар билан ҳаммаҳанг бўлиши зарур.

T – ВАҚТИНЧА ЧЕКЛОВЛАРГА ЭГА БЎЛИШ.

Ўйлаб қўйилган мақсадга эришиш учун, албатта, вақтни аниқ белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Агарда бундай қилинмаса, жараёни назорат қилиб бўлмайди, бу эса мақсадни амалга ошириб бўлмаслигини англатади. Ахир ҳар қандай ишнинг боши ва охири бўлиши керак, акс ҳолда уни ҳатто бошламасданок ҳар доим мақбул вақтда амалга ошириш баҳонасида четга суриб қўйиш мумкин.

Мақбул ва реал вақт чегарасини тўғри белгилаш учун қуйидаги саволларга жавоб излаш керак:

1. Қўйилган мақсаднинг натижасини қачон кўриш керак?
2. Мавжуд имконият ва воситалардан фойдаланган ҳолда мақсадга қанчалик тез муддатда эришиш мумкин?

Мақсадни белгилашдан аввал ушбу мақсаднинг банк фаолиятига қанчалик ижобий таъсир кўрсатишини тахмин қила олиш лозим.

ТИЗИМНИ ҚЎЛЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Мақсадни диққат билан ўрганиш ва юқорида қайд этилган 5 та омил бўйича мақсадга эришиш йўллари йўлаб кўриш керак. Ваҳоланки, бу йўл билан кўзлаган мақсадингиз нечоғлик муҳимлиги ва уларга эришиш йўлида қандай тўсиқларга учраш мумкинлиги ҳақида ўйлаб олиш имконияти мавжуд бўлди.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Реклама

«Ипотека-банк» АТИБ жамоаси
барча юртдошларимизни
Наврўз байрами билан муборакбод этади!
Кириб келган баҳор ҳаётингизга қувончли хабарлар,
мусаффо осмон, фаровонлик олиб келсин!
«Ипотека-банк» сармоялари эса сизга ҳаммиша ҳамроҳ бўлсин!
«Ипотека-банк» хизматларидан фойдаланинг!
Биз имконият яратамиз!

ИПОТЕКА БАНК

Imkoniyat yaratamiz

Қўшимча маълумотларни
www.ipotekabank.uz сайтидан олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

«МИКРОКРЕДИТБАНК»: МАҚСАДИМИЗ – ҲАР БИР ОИЛАДА ТАДБИРКОР БЎЛСИН

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида тижорат банклари, жумладан, «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки томонидан «Аҳолини тадбиркор қилиш» дастури доирасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, бугунги кунда муассаса мазкур дастур асосида аҳолига энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан минг бараваригача бўлган ҳажмда 3 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси миқдорида кредит маблағларини ажратмоқда.

«Мақсадимиз – ҳар бир оилда тадбиркор бўлсин», дейди «Микрокредитбанк» АТБ бошқаруви раиси ўринбосари Азиз Низамов оммавий ахборот воситалари учун ташкил этилган анжуманда.

Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан банк тизимида йўлга қўйилган «Аҳолини тадбиркор қилиш» дастурида юртимизда оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини кучайтирган ҳолда уларни молиявий қўллаб-қувватлаб, тадбиркорлик билан шуғулланишларига кенг йўл очиш ва шу орқали ҳар бир оилда даромад манбаларини шакллантириш, республикаимиз миқёсида бандлик даражасини ошириш, ёшлар ва аёлларни бизнес соҳасига йўналтириб, улар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, пировардида, кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришдек аниқ ва улкан мақсадлар илгари сурилган. Қолаверса, бундай устувор вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳалари, чунончи, саноат, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ишлаб чиқарилиши, савдо ҳамда экспорт салоҳияти янада юксалишига ҳисса қўшади.

– Дастур ижроси юзасидан «Микрокредитбанк»га 428 та аҳоли пунктида истиқомат қилаётган 706 минг 700 та хонадон бириктирилган, – дейди банкнинг Жисмоний шахсларни кредитлаш департаменти директори Алишер Суюмов. – Бунинг учун муассасамиз томонидан 900 нафарга яқин ходим жалб қилинган бўлиб, ўтган 2 ой давомида улар 580 мингта хонадон эгалари билан яқиндан суҳбат ўтказишди. Натижада 56,3 минг нафар жисмоний шахс тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирди. Банкимиз улар ўртасида кредит маблағларига эҳтиёжи бўлган фуқароларнинг 17 минг 179 нафарига жами 110,1 млрд. сўм миқдорида имтиёзли сармоялар ажратди. Бу 17 мингдан ортиқ янги иш ўринлари-



нинг ташкил этилишига омил бўлди.

Матбуот анжуманида жорий йил давомида «Микрокредитбанк» томонидан 140 минг хонадонга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 570 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредит маблағлари ажратиш режалаштирилгани қайд этилди. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга 1,3 трлн. сўм, шундан 520 млрд. сўм микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун, 75 млрд. сўм касб-хунар коллежлари битирувчиларига бошланғич сармоя сифатида, 140,4 млрд. сўм тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга, 160,6 млрд. сўм хизмат кўрсатиш ва

сервис соҳасини ривожлантириш учун йўналтирилиши маълум қилинди.

– Бундан ташқари, «Микрокредитбанк» тизимида муассасанинг молиявий барқарорлигини ошириш, аҳоли ҳамда хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш ҳисобига ресурс базасини мустаҳкамлаш ва шунинг асосида хусусий секторни кредитлаш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, чакана ва интерактив хизматларни илгор технологиялар ҳисобига ривожлантириб, мижозларга замонавий хизмат кўрсатишни ташкил этиш борасидаги чора-тадбирлар ҳам изчил давом этмоқда, – дейди А.Низамов.

Назира МАВЛОНОВА.

Реклама



МИКРОКРЕДИТБАНК

«Микрокредитбанк»
акциядорлик-тижорат банки жамоаси

юртдошларимизни қадимий ва
ҳамиша навқирон
Наврўз байрами билан
муборакбод этади!

Баҳор нафаси хонадонимизга
файз-барака, халқимизга
тинчлик-фаровонлик олиб келсин!

www.mikrokreditbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

Реклама



«Туронбанк» АТБ
 жамоаси халқимизни
 баҳор ва янгиликни
 байрами – Наврўз айёми
 билан муборакбод этади!

**Байрам муносабати билан «Туронбанк» АТБ
 хорижий валютадаги «Наврўз» номли жамгарма
 янги омонат турини таклиф этади:**

- Омонатни сақлаш муддати – 3 ой;
- Омонатга пул маблағлари нақд пул кўринишида қабул қилинади;
- Омонатга ҳисобланган фоизлар миқдор хоҳишига кўра ойма-ой ёки омонат муддати охирида АҚШ долларларида тўлаб берилади.

www.turonbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

☎ 99895 144-60-00

ТИФ Миллий банкда аҳолини тадбиркор қилиш имконияти кенг

(Давоми. Бошланиши 5-бетда).

Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш юзасидан ТИФ Миллий банки томонидан «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонунлар ҳамда мусасса кредит сиёсати асосида тартиб ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, кредит олиш тартиблар ва шартлар бирмунча соддалаштирилиб, имтиёзлар яратилган:

● ЯТТ, оилавий тадбиркорлар учун энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача;

● Микрофирма, кичик ва оилавий корхоналар, фермер хўжаликлари ҳамда юридик шахс мақомида фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжалиklarининг дастлабки сармояни шакллантиришга энг кам иш ҳақининг 300 баробаригача миқдорда кредит маблағлари ажратилади.

Ушбу қайд қилинган тадбиркорлик субъектларига кредитлар куйидаги муддатга берилади:

● Қарз олувчининг фаолиятини бошлаш учун айланма маблағларни шакллантиришга – 18 ойгача;

● Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ташкил қилиш учун айланма маблағларини тўпдиришга – 24 ойгача;

● Инвестиция мақсадлари учун – 3 йиллик имтиёзли давр билан 5 йилгача.



Бириктирилган маҳаллада яшовчи фуқаронинг шахсий ёрдамчи ва таморқа хўжалиklarини ривожлантириш учун энг кам иш ҳақининг 100 баробаригача бўлган миқдордаги кредитлар эса куйидаги тартибда тақдим қилинади:

● Мевали дарахтлар, цитрус ва экзотик ўсимликлар ва узум кўчатлари сотиб олиш учун – 3 йиллик имтиёзли давр билан 5 йилгача;

● Қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва етиштириш, паррандачилик ва балиқчилик хўжалиklarини ривожлантиришга – 1 йиллик имтиёзли давр билан 3 йилгача;

● Уруғлик, минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини сотиб олиш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш ҳамда асаларичиликни ривожлантириш учун

– 1 йиллик имтиёзли давр билан 5 йилгача муддатга берилади.

Таъкидлаш жоиз, мазкур тартибга мувофиқ, бериладиган кредитларнинг йиллик фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан ошмаган миқдорда белгиланмоқда.

Қарз олувчи фуқароларнинг банк филиалларига тақдим этадиган ҳужжатлари:

● Мол-мулк гарови (ускуна, қарз олувчининг шахсий мол-мулки, кредит ҳисобидан харид қилинган мол-мулк);

● Жисмоний шахсларнинг гуруҳли кафиликлари (камида 3 киши);

● Кредитни қайтармаслик хатарини банк фойдасига сугурта қилинганлиги тўғрисида сугурта полиси.

Шунингдек, аҳолига янада энгиллик яратиш мақсадида кредитлар-

нинг таъминотида маҳалла фуқаролар йиғинининг кафиликлари ҳам қабул қилинмоқда.

Анжуманда Президентимизнинг 2017 йил 31 январдаги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2746-сонли Қарорига биноан, тажриба тариқасида Тошкент шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янги тартибда микрокредитлаш тизими ишлаб чиқилганлиги маълум қилинди. Бунда асосий континент шахсларга ўрта касбий таълим ва олий таълим битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган жисмоний шахслар, меҳнат органларидан рўйхатдан ўтган ишсиз фуқаролар, оилавий ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи аҳоли ҳамда меҳнатга муҳтож кишилар қиради. Имтиёзли микрокредитлаш бўйича микрокредит маблағлари энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача бўлган ҳажмда 6 ойлик имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга берилмоқда. Кредит сўраб мурожаат қилган бундай фуқароларга микрокредитларни расмийлаштириш ва бизнес-режаларни тайёрлаш ишларида тижорат банклари томонидан Савдо-сановат палатаси билан ҳамкорликда амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

Кўчалар тунда ҳам ёруғ

Фарғона шаҳридаги Каштанзор кўчасини тунда ҳам кундуздек ёритиб турувчи икки мингдан зиёд чироқлар муқобил энергия орқали ёритила бошланди.

Ушбу кўча жойлашган «Ёшлик» маҳалласида Фарғона политехника институти олимлари «Фарғонаазот» акциядорлик жамияти мутасаддилари билан ҳамкорликда сув ёрдамида электр манбаси ишлаб чиқарувчи микроГЭСни ишга туширди. Вилоят марказидан оқиб ўтувчи Марғилонсой сув ўзанига ўрнатилган иншоот тежамкорлиги, қулай ва арзонлиги билан муқобилларидан фарқ қилади. Айни пайтда Марғилонсой сув



ўзани бўйлаб 3 та ана шундай қурилма ишлаб турибди.

– «Фарғонаазот» акциядорлик жамияти кўмағида яратилган сув генераторини янада такомиллаштириш орқали вилоятнинг бошқа сув ҳавзаларида ҳам шундай лойиҳаларни амалга ошириш мумкин, – дейди **Фарғона политехника институти профессори, техника фанлари доктори Сирожддин Эргашев**. – Чархпалак қурилма соатиға 50 киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу нафақат аҳоли, балки келгусида саноат тармоқларини ҳам арзон ва экологик тоза электр энергияси билан таъминлаш имконини беради. Қурилма учун зарур жиҳозларнинг барчаси маҳаллий хомашёлардан тайёрлангани янада эътиборлидир.

Тадбиркорлар халқаро ярмаркада иштирок этади

Хитой Халқ Республикасининг Гуанчжоу шаҳрида жорий йилнинг апрель ойида ўтказиладиган «Canton Fair – 121» халқаро ярмаркада Наманган тадбиркор ва ишбилармонлари ҳам иштирок этиши кутилмоқда.

Бу ҳақда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси, вилоят ҳокимлиги, Халқаро бизнес ва технологиялар уюшмаси, Хитой Халқ Республикаси Тижорат вазирлигининг «China Foreign Trade Centre» ташкилоти, Ўзбекистон – Хитой савдо уйи, «International Business Travel» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган видеомулоқотда маълум қилинди.

Наманган вилоятидан 120 дан зиёд тадбиркорлик субъекти вакиллари ва хитойлик ишбилармонлар иштирок этган тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг ташқи бозорга чиқишига кўмаклашиш, тадбиркор ва ишбилармонларнинг халқаро ярмарка ва кўргазмаларда иштирокини кенгайтириш, хорижий сармоядорлар, замонавий техника ва технологиялар, улар бўйича мутахассисларни жалб этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

– Халқаро ярмаркалар тадбиркор учун жаҳон бозорига чиқиш, унда мустақам мавқега эга бўлишда муҳим аҳамиятга эга, – дейди **Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Қобилжон Жамолов**. – Бунга яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, жаҳон бозоридан ўз ўрнини топаётган кўплаб тадбиркорлик субъектлари мисолида яққол кўриш мумкин. Шу йил 17-24 февраль кунлари бир гуруҳ тадбиркорларимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш технологиялари бўйича Италияда ўтказилган «Zanotti» компанияси ярмаркасида иштирок этди. Унда лойиҳа қиймати 2,6 млн. евро бўлган 3 минг 200 тонна сизимли замонавий совуткич-омборхона қуриш юзасидан меморандум имзоланди. Бугунги видеомулоқот ҳам «Canton Fair – 121» халқаро ярмаркасида вилоятимиз тадбиркорларининг қатнашишига кўмаклашиш мақсадида ўтказилмоқда. Техника, барча турдаги асбоб-ускуналар, мебель, кийим-кечак ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари намойиш этиладиган аъъанавий ярмаркада ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиздан 5 мингдан зиёд тадбиркор иштирок этган.

Видеомулоқотда «Canton Fair – 121» халқаро ярмаркаси лойиҳалар ва ташкилий ишлар бошқармаси бош менежери Май Цяй Ян ва менежер Ву Хей Ўзбекистон ва Хитой ўртасида мустақамланиб бораётган иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гапириб, мазкур халқаро ярмарка тўғрисида атрофлича маълумот берди.

ЎЗА материаллари асосида.

Реклама

TRASTBANK

«Трастбанк»

хусусий акциядорлик банки

юртдошларимизни
янгилашиш ва яшариш байрами –
**Наврўзи олам билан чин дилдан
муборакбод этади!**

Заминимиздан тинчлик-хотиржамлик,
хонадонларимиздан файз, дастурхонимиздан
қут-барака ҳеч ҳам аримасин!

Сизни баҳорий кайфият йил давомида
асло тарк этмасин!

www.trastbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ҳудудий ярмаркаси

Биринчи Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси ҳамда жорий йилда бўлиб ўтадиган X инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасига тайёргарлик доирасида республикамизнинг барча ҳудудларида инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркалари ташкил этилмоқда.

ҚАРШИ

Қарши шаҳрида ўтказилган ҳудудий ярмаркада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа идоралар тасарруфидаги илмий, илмий-тадқиқот, олий таълим ва тажриба-конструкторлик ташкилотларининг 300 га яқин технологик ишланмалари намойиш этилди.

Вилоят иқтисодиёт тармоқлари талабидан келиб чиққан ҳолда тақдим этилаётган лойиҳаларнинг асосий қисми sanoat соҳасига тўғри келади. Масалан, энергия ва ресурстежамкор технологиялар, экология, қуёш ва қайта тикланувчи энергия манбалари, биноларни локал иситиш ва ёритиш тизимлари, чиқиндиларни қайта ишлаш, озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари, маҳаллий хомашё асосида янги маҳсулотлар



тайёрлаш каби ишланмалар шулар жумласидандир.

– Ярмаркага машина деталларининг ейилиш ва занглашга бардошлилигини ошириш бўйича лойиҳамни тақдим этдим, – дейди Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ўқитувчиси Ў.Бойназаров. – Ушбу технология табиий оғир шариолида ишлайдиган барча соҳалардаги техника ва ме-

ханизмларга мўлжалланган.

Тадбирда вилоятдаги фермер хўжаликлари, sanoat корхоналари ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари инновацион ишланмаларни ўз фаолиятига жорий этиш мақсадида муаллифлар билан умумий қиймати 1,5 млрд. сўмликдан ортиқ 60 га яқин шартнома имзолади.

САМАРҚАНД

Самарқандда бўлиб ўтган ярмаркада Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё, Жиззах, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари, Ўзбекистон Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари сингари 30 дан ортиқ ташкилот қатнашди.

Самарқанд вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Худойбердиев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ижро аппарати раҳбари О.Парпиев ва бошқалар юртимиз олимлари ва ёш тадқиқотчилари томонидан яратилаётган инновацион ишланмаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларини замон талаблари даражасида ривожлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ярмаркада жаҳон андозаларига мос келадиган янги, юқори самарали материаллар, машиналар, препаратлар ва бошқа илмий техноло-

гия маҳсулотларини яратишга имкон берувчи sanoat, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳаларига доир инновацион технологиялар ҳамда илм-фан соҳасидаги 150 га яқин инновацион технология ва ишланмалар намойиш этилди. Айни пайтда иштирокчилар бу борада амалга оширилаётган ишлар бўйича ўзаро тажриба алмашиш, истиқболдаги вазибаларни белгилаш, илмий ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда инновацион лойиҳаларга талабгорлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имкониятига эга бўлди.

Тадбирда фермер хўжаликлари, sanoat корхоналари ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан технология ва ишланмалар муаллифлари ўртасида шартномалар имзоланди.

Ярмарка якунида тармоқ ва соҳаларни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган янги техника ва технологиялар, илмий ишланма ва ғоялар танлаб олиниб, уларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

ЎЗА материаллари асосида.

Реклама

UTBANK

«UTBANK»

акциядорлик жамияти

Ўзбекистон аҳлини янгилашиш, эзгулик

ва меҳр-шафқат тантанаси

– Наврўз умумхалқ байрами

билан табриклайди.


Барчангизга шодлик ва

хотиржамлик ёр бўлсин!

www.utbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

Реклама



«Капиталбанк» АТБ жамоаси барча юртдошларимизни баҳор айёми – Наврўзи олам билан муборакбод этади! Қалбингиздаги барча эзгу ниятларингиз ушалишини тилаб, дилимиздаги самимий туйгуларни изҳор этиб қоламиз. Наврўзи олам барчамизга бахт ва омад олиб келсин!

Суғурта маданиятини ошириш йўлида

«Ўзгросуғурта» акциядорлик жамияти аҳоли ўртасида суғурта маданиятини ошириш мақсадида «Суғурта журналистларнигоҳида», «Суғурта билимдонлари», «Маслаҳат беринг» каби танловларни ўтказиб келмоқда.

Миллий суғурта бозорида амалга оширилаётган ислохотларни кенг оммага етказиш, аҳолининг суғурта соҳасидаги тушунчалари даражаси ҳамда айнан қандай суғурта хизматларига талаби юқорилигини аниқлаш ва шу орқали «Ўзгросуғурта» АЖ томонидан кўрсатилаётган суғурта хизматлари сифатини ошириш мақсадида ташкил этилган «Maslahat.uz» танлови «Facebook» иштимой тармоғидаги «Maslahat.uz» гуруҳи билан ҳамкорликда эълон қилинди.

– Бугунги кунда ушбу гуруҳ аъзолари 45 минг нафардан ортиқни ташкил этишини инобатга олиб, «Маслаҳат беринг» танлови орқали юртдошларимизнинг суғурта соҳасида ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олиш имконияти кенг қамровлик касб этишини таъкидлаш мумкин, – дейди «Ўзгросуғурта» АЖ Стратегик ривожлантириш, маркетинг ва сифатни бошқариш департаменти ходими Шерзод Исломов.

Танловнинг ўтказилиши «Ўзгросуғурта» АЖ томонидан жамоага мурожаат қилган ҳолда унга форум қатнашчиларидан батафсил ёки ноанъанавий жавоб олиш орқали амалга оширилади.

Саволлар «Ўзгросуғурта» АЖ томонидан тайёрланади ва «Maslahat.uz» гуруҳи админлари ҳамда модераторлари томонидан эълон қилинади. Бунда ғолиблар «Ўзгросуғурта» АЖ бошқарувига таклиф этилиб, тантанали равишда тақдирланади. Бундай омад биринчилардан бўлиб Хуршида Турсунбоевага насиб этди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

Қонун моҳияти тарғиб этилмоқда

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси суғурта фаолиятини тартибга солувчи турли қонун ҳужжатлари, уларга киритилган ўзгартиришлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида алоҳида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, унга мувофиқ ҳудудларда туркум давра суҳбатлари ҳамда семинарлар ўтказмоқда.

Компаниянинг Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари филиаллари томонидан ташкил этилган семинар Ўзбекистон Республикасининг «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда ушбу ҳужжатни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг 266-сонли қарори мазмун-моҳиятига бағишланди.

Вилоятлар ҳокимликлари, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари, автомобиль ва дарё транспорти агентликлари, йўловчи ташиш билан шугулланадиган корхоналар вакиллари ҳамда фуқаролар иштирокидаги мазкур тадбирларда сўзга чиққанлар «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонун ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбу-

рий суғурта қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб, республика ҳудудида барча турдаги транспорт воситасида ташиш чоғида йўловчиларга етказилган зарар қоплашиши кафолатлигини таъкидладилар.

Ҳужжатга мувофиқ, ҳар бир ташувчи йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига зарар етказганлик учун ўз фуқаролик жавобгарлигини ташиш бўйича хизматлар кўрсатиш бошлангунига қадар қонунда белгиланган шартлар асосида ва тартиб билан амалга ошириши зарур.

Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг асосий шarti суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда жабрланувчи, наф олувчи ёки ташувчи-

га йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини суғурта шартномаси асосида суғурта пули доирасида қоплаш мажбуриятини олиши ҳисобланади. Бунда суғурта пули Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, битта йўловчига 11 минг АҚШ доллари эквиваленти-га тенг миқдоридан, жумладан, 10 минг доллар – йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига, 1 минг доллар унинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун белгиланган.

Тадбирлар савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Уларда суғурта соҳаси ҳамда компания фаолиятига доир тақдим этилган видеотақдимотлар қатнашчилар қизиқишини тортди.

Наргиз АҲМЕДОВА.

Анъанавий йирик саноат анжумани

«Ўзэкспомарказ» мажмуида «Uzbekistan Industrial Forum-2017» IX халқаро саноат форуми бўлиб ўтди. Унинг доирасида «UzMetalMash» – металлургия, металлга ишлов бериш, машинасозлик ва пайвандлаш, «UzTechTransExpo» – махсус техника, транспорт ва логистика хизматлари, «UzMiningExpo» – тоғ-кон саноати учун технология ва ускуналар, «UzChemPlastExpo» – кимё саноати, пластмасса ва каучук ишлаб чиқариш, «UzSecureExpo» – хавфсизлик тизимлари, меҳнат муҳофазаси ва ёнги хавфсизлиги ҳамда «InterPackExpo» – кадоқлаш ва оморга жойлаш каби 6 та ихтисослаштирилган халқаро кўргазма иш олиб борди.

Мамлакатимизда саноатнинг ҳар бир йўналишида кенг кўламли модернизациялаш ишлари изчил давом этмоқда. Соҳа мутахассислари ушбу жараёнда халқаро даражада тақил қилинаётган анжуман ва кўргазмалар муҳим роль ўйнаётганини, айнан кўргазмалар саноатчилар, ишбилармонлар ва илмий доира вакиллари ўртасида мулоқот ўрнатиб, ўзаро янгиликлар алмашиш, корхона ва ташкилотлар, инвесторларнинг муносабатларини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида замонавий саноат имкониятларини намойиш этишга шароит яратиб берилганини таъкидлашмоқда.

Навоий кон-металлургия комбинати, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти ва бошқа йирик маҳаллий корхоналар томонидан амалга оширилаётган кўламли лойиҳалар намойиш этилди.

Хорижий бўлим стэндларида Буюк Британиянинг «MMD Mineral Sizing», Россиянинг «РэйлТрансХолдинг», Украинанинг «СибтрансСервис» МЧЖ, Новокраматорск машинасозлик заводи, Эроннинг «Teknotak industrial group» компанияларининг тоғ-кон ишлаб зарур бўладиган ускуналари ҳамда сервис хизматлари кенг намойиш этилди.

Ташриф буюрувчилар

Кўргазмалар экспозициялари орасида «UzSecureExpo» кўпчилик диққатини тортиди. Унга ташриф буюрганлар саноат объектларида хавфсизликни таъминлаш техник воситалари, оғоҳлантириш тизимлари, комплекс хавфсизликни таъминлаш жиҳозлари, ўт ўчириш машиналари, рациялар, шахсий ҳимоя воситалари, ўт ўчиргичлар, аудио ва видеокузатув, ақлли уй, техника, технологиялар, ҳалокат ва офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш жиҳозлари билан танишди. «MICROSENS GmbH & Co. KG» (Германия), «АГТ Системс» (Россия), «Zhejiang Dahua Technology CO. LTD» (Хитой) каби компаниялар тақдими мазкур бўлимдаги энг қизиқарли таклиф ва ечимлари жумласига киради.

– Бугунги глобал шароит барча ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашни тақозо қилмоқда, – дейди «Proto» МЧЖ вакили М.Васильев. – Кўргазмада биз таклиф этаётган турникетлар корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари ҳамда дам олиш масканларида хавфсизликни таъминлашда қулай ёрдамчи бўлиб хизмат қилади.

Қадоқлаш мамлакатимизда изчил ривожланаётган тармоқлардан бири ҳисобланади. Замонавий технологияларни жорий этиш тармоқ ривожланиши, қадоқлаш ва материаллар сифатини оширишда муҳим роль ўйнайди. Шу маънода «InterPackExpo» кўргазмаси харидорлар географиясини кенгайтириш, қисқа вақт ичида ўз маҳсулотини иштирокчиларнинг катта қисмига намойиш этиш, янги мижозлар топиш имконини беради.

«Uzbekistan Industrial Forum-2017» «IEG Uzbekistan» кўргазма компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирилиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Ўзимёсаноат» акциядорлик жамияти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа идора ҳамда ташкилотлар кўмағида ташкил этилди.

Гулшан ЮСУПОВА.

Маҳаллийлаштириш ҳамда саноат кооперацияси такомиллашмоқда

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида «Саноат кооперацияси ҳамда маҳаллийлаштириш жараёнларини ривожлантириш истиқболлари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 26 декабрдаги «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи қисмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2698-сонли Қарорига мувофиқ тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастурига кўра, жорий йилда 960 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 6,5 трлн. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши белгиланган бўлса, келгуси уч йилда 3,4 млрд. АҚШ доллари қийматидаги 1 146 та маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Табдирда таъкидланганидек, саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини ошириш иқтисодиётнинг янада барқарор ва изчил ривожланишида, ишлаб чиқариш жараёнларига янги технологияларнинг таъбиқ этилишини жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Соҳани янада ривожлантириш учун амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар натижасида 2010-2016 йилларда мамлакатимизда қарийб 2000 га яқин маҳаллийлаштириш лойиҳалари амалга оширилди. Бунинг натижасида импорт ўрини босиш самарадорлиги 7,5 млрд. АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этди.

– Сўнги уч йил ичида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига 100 дан ортқ турдаги товарларнинг импорти бутунлай тўхтатилди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш, мониторинг ва импорт ўрини қоплаш бўлими бош мутахассиси

Шухрат Маткаримов. – Буларга мисол қилиб ҳар хил турдаги қурилиш жиҳозлари, сунъий синтетик газонлар, шифа банкалар, крахмал, нон маҳсулотлари учун ачиткиларни айтиш мумкин. Тармоқ корхоналарининг имкониятлари батафсил ўрганилиши натижасида 2017 йилда маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва импорт ўрини босувчи янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ташкил қилишга йўналтириш ҳисобига 23 фоиз ёки 1,1 млрд. АҚШ долларидан зиёд импорти камайиши имконияти яратилди.

Айни пайтда маҳаллий хомашё ва ресурслардан оқилонга фойдаланишни янада рағбатлантириш, таклиф этилаётган лойиҳаларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш мақсадида Маҳаллийлаштириш дастурига янги лойиҳаларни киритиш устида иш олиб борилаётган.

Таъкидлаш лозимки, Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар 2019 йилнинг 1 январигача четдан олиб келинадиган технология ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек, республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги технология жараёнида фойдаланиладиган компонентлар учун божхона тўловларидан, маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан олинган даромдга (фойда) солиғи, ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилиниши белгиланган. Бу эса тадбиркорларимизнинг фаолияти ривожланишини, маҳаллий бозорларимизда рақобатбардор ва экспортбон маҳсулотларнинг кўпайишини, қолаверса, мамлакатимиз иқтисодиёти янада такомиллашувини таъминлайди.

Иброҳим УСМОНОВ.



Зеро, корхоналарни замонавий техникалар билан қайта жиҳозлаш, илгор технологияларни жорий этиш ҳамда инновацион фаолиятни ривожлантириш борасидаги гоё, таклиф ва ўзаро келишувлар мана шундай тадбирларда юзага келади.

Жорий йилги форумда Буюк Британия, Германия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, Эрон, Беларусь, Россия, Чехия каби давлатлардан 60 га яқин компания иштирок этди. Улар орасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳам алоҳида ўрин эгаллади.

«UzMiningExpo» ихтисослаштирилган кўргазмасига форум экспозициясининг марказий жойларидан бири ажратилди. Унда мазкур соҳа етакчилари –

«UzMetalMashExpo-2017» кўргазмасида металлургия тармоғидаги янги тенденция ва йўналишлар билан таништирилди. Кенг турдаги дастоҳлар, эҳтиёт қисмлар, кувурларга ишлов берадиган машина ва ускуналар барчада қизиқиш уйғотди.

«UzTechTransExpo» кўргазмаси эса республикамизда экспорт номенклатураси ҳамда географиясини кенгайтириш устувор вазифалардан бири эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Ушбу йўналишда фаолият юритувчи маҳаллий корхоналар ўз товар ва сервислари билан чекланиб қолмасдан, кўпроқ хорижлик иштирокчилар билан музокара олиб бориш, ҳамкорлик ўрнатиш пайида бўлди.

ЭКСПОРТНИ РАҒБАТЛАНТИРИШДА ЭКСПОРТ-ИМПОРТ БАНКЛАРИНИНГ ЎРНИ

Мисол учун, 2015 йил якунига кўра Берн уюшмаси аъзолари томонидан ажратилган экспортли кредитлар ва инвестициялар сугуртаси ҳажми 2014 йилга нисбатан 27 фоизга ортган ва ушбу маблағ 5,987 млн. АҚШ долларига тенг. Уларнинг 2,584 млн. доллар қисқа муддатли сугурта ва экспортли кредитларга йўналтирилган бўлса, 3,252 млн. доллардан ортиқ маблағлар ўрта ва узоқ муддатли лойиҳаларга сафарбар қилинган. Бундан ташқари, сугурта учун олинган инвестициявий кредитлар умумий қиймати 151 млн. долларга тўғри келди.

Ривожланган мамлакатлар ҳам экспортли кредит агентликларининг самарали фаолият юритишни таъминлаш орқали миллий экспортни фаол тарзда қўллаб-қувватламоқда. Мисол учун, АҚШдаги Экспорт-импорт банки 165 млн. доллар миқдорда қисқа муддатли экспортли кредитларни ажратган, ўрта ва узоқ муддатли экспортли кредитлар ҳажми эса 172 млн. долларга етган ва қиймати 10,3 млн. долларга тенг маблағни эса инвестициявий кредитлар учун йўналтирган.

Бугунги кунда жаҳонда 60 дан ортиқ экспорт-кредит

Ривожланаётган мамлакатларда савдо шароитларининг яхшиланиши ва экспортнинг кенгайтириш молиялаштириш ва сугурта соҳаларининг қўллаб-қувватланиши билан узвий боғлиқ. Шу боис бундай давлатлар гуруҳи экспорт-кредит агентликлар ва молиявий институтлар ёрдамида ўзининг экспорт салоҳиятини ошириш ва уларнинг ҳажмини кўпайтиришга ҳаракат қилади.



агентликлари, жумладан, экспорт-импорт (эксимбанклар) банклар фаолият юритмоқда. Улар орасидаги энг катта фарқ шундаки, экспорт-кредит агентликлари асосан кредитлашдан кўра сугурта билан шуғулланади. Агентлик кенг турдаги хизматларни кўрсатади. Жумладан, ташқи савдо операцияларини кредитлаш, экспортли кредитлар буйича давлат кафолатларини таъминлаш, экспортли кредитлар ва битимларни турли хил таваккалчиликлар-

дан сугурталаш ишлари билан машғул. Бундан ташқари, экспорт-кредит агентликлари ташкилотларни ташкилий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Экспорт-кредит агентликлари хусусий, давлат ёки аралаш компаниялар шундаки, уларнинг молиявий воситалари ёрдамида экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларини кредитловчи банклар ва экспор-

тёрларнинг таваккалчилиги қопланади. Шунингдек, бундай агентликлар ривожланаётган мамлакатлардаги импортёрларнинг узоқ муддатли молиялаштиришга бўлган талабини ҳам қондиради. Пировардида эса, бу мамлакатларга кириб келади, ишлаб чиқариш соҳаси ривожланиши, аҳолининг даромади ва яшаш шароити яхшиланишига олиб келади, шунингдек, инфратузилма ривожланишига хизмат қилади.

Хусусий ва аралаш турдаги экспорт-кредит агентликлари асосан ривожланган мамлакатларда учрайди. Энг машҳур хусусий экспорт-кредит агентликлари «Euler Hermes» (Германия), «COFACE» (Франция), «Atradius» (Голландия) сингари компаниялардир.

Хусусий экспорт-кредит агентликлари Португалия, Литва, Греция, Австрия ва Аргентина сингари давлатларда ҳам мавжуд. Бироқ

ҳар қандай хусусий экспорт-кредит агентликлари экспортёрларни давлат маблағлари ва давлат назорати асосида қўллаб-қувватлайди. Аралаш мулкчилик шаклига эга компаниялар сирасига SBCE (Бразилия), CESCO (Испания), SEK (Швеция), ECGE (Миср)лар киради.

«Eximbank» (АҚШ), NEXI (Япония), ECGD (Буюк Британия)лар эса номи чиққан давлат экспорт-кредит агентликлари саналади.

Ривожланаётган мамлакатларда экспортни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётган экспорт-кредит агентликларининг роли кучайиб бормоқда. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида экспорт салоҳиятини янада кучайтириш ва кенгайтириш тараққийнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади ва кўйида муваффақиятли фаолият юритаётган экспорт-импорт агентликлари ва эксимбанклари ҳақда батафсил маълумот берамиз.

Кўплаб ривожланаётган мамлакатлар, хусусан, Ҳиндистон, Хитой ва Жанубий Кореядаги эксимбанклар агентликларнинг вазифаларини амалга ошириб, давлат мулки сифатида фаолият юритади.

ҲИНДИСТОН ЭКСПОРТ-ИМПОРТ БАНКИ

Ҳиндистон экспорт-импорт банки мамлакатнинг экспорт билан боғлиқ амалиётларини молиялаштириш соҳасида фаолият юритаётган етакчи давлат ташкилоти ҳисобланади. Банк 1982 йилда «Ҳиндистоннинг экспорт-импорт банки тўғрисида»ги қонунга асосан ташкил толган. Ҳиндистон ҳукумати мазкур ташкилотни тузиш асосида унга нафақат Ҳиндистон экспортни кенгайтириш вазифасини юклади, балки мамлакатнинг умумий иқтисодий ўсишига хизмат қилувчи инвестициялар ва ташқи савдо интеграциясини таъминлаш ҳам мазкур банкнинг асосий вазифаси сифатида белгиланди. Ҳиндистоннинг Эксимбанки («Exim Bank»)га асос солинган пайда банк халқаро савдо ва инвестицияларни ривожлантирувчи муҳим иштирокчи ва ташаббускори бўлган эди.

Экспортни молиялаштириш ва кредитлаш экспорт маҳсулотлари, уларни қадоқлаш ва етказиб беришнинг сифати яхшиланишининг энг мақбул усули саналади. Ҳиндистоннинг «Exim Bank»и миллий маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш мақсадида ишлаб чиқарувчиларга тўғридан-тўғри молиявий ёрдам беради. Ҳиндистондан маҳсулот олиб кетадиган импортёрлар учун хорижий инвестициялар ажратади, экспортни кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқарувчиларга, етказиб берувчилар ва харидорларга узоқ муддатли молиялаштириш лойиҳаларини ишга туширади. Шунингдек, Ҳиндистон Эксимбанки ҳинд экспортчилари фаолиятини кафолатлаш чора-тадбирларини ҳам амалга оширади.

Турфа хил кредитлаш лойиҳалари асосида экспортнинг барча босқичи қамраб олинади. Янги экспортчи иш-

лаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашдан тортиб мавжуд корхоналарда ишлаб чиқариш қувватини кенгайтиришга кўмак беради. Банкининг директорлар Кенгаши таркибидан ҳукумат, молиявий муассасалар, банклар ва бизнес жамятлар аъзолари ўрин олган. Эксимбанк саноат маҳсулотлари экспортдан ташқари хизмат кўрсатиш соҳаси, экспортни лойиҳалаштириш, компьютерлар, дастурий таъминотларда қўлланиладиган технологиялар механизмини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади.

Ҳиндистон Эксимбанки сиёсатининг асосий йўналишлари куйидагилар ҳисобланади:

- Ҳиндистондаги экспорт компанияларига кредит ажратиш;
- Хорижий компаниялар (Ҳиндистон импортёрлари) ва молиявий муассасалар (халқаро импортёр банклар)га кредит ажратиш;
- Мамлакатдаги банкларга кредит ажратиш.

Ҳар бир йўналиш ўзида бир қанча воситаларни мужассам этади. «Ҳиндистондаги экспорт компанияларига кредит ажратиш» сиёсатини амалга ошириш мақсадида Ҳиндистон Эксимбанки қатор лойиҳаларни ишга туширади.

Экспортга кечиктирилган тўлов. Бу турдаги молиялаштириш кредити миллий экспортёрларга хорижий харидорларга қарзга маҳсулот сотиш имконини беради. Шунингдек, мазкур лойиҳа асосида экспортёрларга маслаҳат, технологик ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатилади. Тижорат банклари бу лойиҳаларда билвосита ёки таваккалчилик тақсимотида оид битимлар доирасида иштирок этади.

Кўмакчи кредит. Эксимбанк бу турдаги кредитни олти ойдан ортиқ вақт мобайнида экспорт шартномаларни амалга ошириб келаётган компанияларга ажратади. Шу билан бирга, бу лойиҳа асосида экспортёрларнинг рупия бўйича қилинган харажати мобиллаштириш мақсадида пул маблағлари йўналтирилади.

Экспорт маҳсулотлари учун муддатли кредитлар. Муддатли кредитлар асосида экспорт маҳсулотларининг 100 фоиз қиймати қопланади. Эксимбанк бундай кредитларни эркин зоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, яъни ихтисослашган маҳсулотлар, жумладан, дастурий ишланмалар экспортини амалга оширувчи компанияларга ажратади. Шунингдек, муддатли кредитлар экспорт билан шуғулланувчи кичик ва ўрта корхоналардаги ишлаб чиқариш қувватини модернизациялашга мўлжалланган.

Хорижий муассасаларга инвестициялар. Бу турдаги молиялаштириш кредити хорижий мамлакатларда қўшма корхона шаклида тузилган ҳинд компанияларига тақдим этилади.

Маркетинг хизматлари экспортни молиялаштириш. Жаҳон банкининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган мазкур дастур доирасида экспортёрларга экспорт бозорини ривожлантиришга оид режаларини амалга ошириш имконияти берилади.

«Хорижий компаниялар (Ҳиндистон импортёрлари) ва молиявий муассасалар (халқаро импортёр банклар)га кредит ажратиш» йўналиши куйидаги лойиҳалар асосида амалга оширилади:

Импортёрларга кредитлар. Ҳиндистоннинг маҳсулот ва хизматларини импорт қилувчи хорижий ком-

панияларга қарз беришни назарда тутайди.

Кредитлар линияси. Кредитлар линияси хорижий молия институтлари ва ҳукумат идораларига тақдим этилади. «Импортёрларга кредитлар» лойиҳасидан фарқи шундаки, кредит учун ҳукумат кафолати мавжуд.

Хорижий тижорат банкларини кредитлаш. Бу турдаги кредитлар хориждаги тижорат банкларига ажратилади. Бундан кўзланган мақсад бу банкларнинг Ҳиндистондан маҳсулот ва хизматларни импорт қиладиган компанияларни молиялаштиришига кўмаклашиш ҳисобланади.

«Ҳиндистондаги банкларга кредит ажратиш» йўналишининг асосий лойиҳалари куйидагилар:

Экспорт тўловларининг қайта ҳисобини юритиш. Валютали амалиётлар билан шуғулланиш ҳуқуқига эга миллий тижорат банклари 90 кундан кўп бўлмаган муддат давомида Эксимбанкдан олинган қисқа муддатли экспорт ҳисобварақларидаги маълумотларни қайта ҳисоблаши мумкин.

Экспортли кредитларни қайта молиялаштириш. Хорижий валюталарда фаолият юритиш ҳуқуқига эга дилерлар Эксимбанкдан 100 фоиз ҳажмда Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун олинган кредитларнинг кечиктирилган тўловини қайта молиялаштириш кўмағига эга бўлиши мумкин.

Мажбуриятларни кафолатлаш. Эксимбанк экспорт шартномаларини кафолатлашни талаб қилувчи Ҳиндистондаги тижорат банкларида, шунингдек, хорижий қурилиш ва бошқа турдаги муҳим лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этади.



ХИТОЙ ЭКСПОРТ-ИМПОРТ БАНКИ

Хитой экспорт-импорт банки 1994 йилда ташкил этилган бўлиб, у ХХР марказий ҳукуматига тегишли. Хитой экспорт-импорт банки бевосита ХХР Давлат кенгаши раҳнамолигида амалга оширилаётган банк сиёсатининг асосий иштирокчиси. Эксимбанк механик ва электроник маҳсулотлар, ускуналар мажмуаси, юқори технология маҳсулотлари, шунингдек, денгиз қурилиши шартномалари ва хорижий инвестициявий лойиҳаларнинг экспорти ва импорти молиялаштирувчи асосий муассаса ҳисобланади.

Айни пайтда Эксимбанк фақатгина Хитой ҳукмати томонидан тартибга солинувчи хорижга йўналтирилган давлат омонатлари, имтиёзли омонат ва кредитлари транзитини амалга оширадиган асосий банкдир. Бу банк иқтисодиёти экспортга ихтисослашган мамлакатнинг экспортни ривожлантиришга ва шаффофлигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшади. Ҳозирги кунда банк Хитойнинг ўзида (чекка ҳудудларида) ўндан ортиқ филиал ва ваколатхоналарига эга, шунингдек, Йоханнесбург, Париж ва Санкт-Петербургда учта хорижий ваколатхонаси мавжуд. Банк дунёнинг 300 дан ортиқ хорижий банклари билан ҳамкорлик ўрнатиб келади.

Унинг асосий вазифаси Хитой механика ва электроника маҳсулотлари, юқори ва янги технологияларини экспорт қилишни ривожлантириш мақсадида саноат, ташқи савдо, дипломатик алоқалар, иқтисодиёт ва молия соҳаларини молиявий таъминлаш борасида давлат сиёсати-

ни амалга оширишдан иборат.

Банкнинг қўллаб-қувватлаши Хитой компанияларига денгиз қурилиши шартномалари ва хорижий инвестициявий лойиҳалар соҳасида хорижий ҳамкорлар билан иқтисодий ва технологик алоқалар ҳамда айирбошлашларни мустақамлашга имкон беради.

Хитой Эксимбанкнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- Импортёрларга кредит ажратиш;
- Хорижий қурилиш шартномалари ва хорижий инвестициявий лойиҳаларга кредит ажратиш;
- Хитой ҳукуматига имтиёзли кредит ажратиш;
- Халқаро кафолатларни таъминлаш;
- Хорижий ҳукулат ва молия муассасаларига кредитлар транзитини амалга ошириш;
- Банк томонидан тақдим этиладиган ички ва халқаро заём ва корпоратив депозитларни тартибга солиш;
- Валютани тартибга солиш, миқозларни хорижий валюталар билан таъминлаш, форекс бозорида иштирок этиш;
- Экспорт ва импорт операцияларини баҳолаш соҳасида маслаҳат бериш хизматини кўрсатиш, кредит қобилияти тадқиқотини амалга ошириш.

Юқорида санаб ўтилган функционал вазифаларнинг аксарияти Ҳиндистондаги Эксимбанкнига ўхшаб кетади. Бироқ Хитой Эксимбанки халқаро ва маҳаллий банкларга корпоратив депозитлар ва заёмларни тақдим этиши, миқозларнинг форекс бозоридаги фаолиятини қўллаб-қувватлаши билан фарқланади.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ЭКСПОРТ-ИМПОРТ БАНКИ

Жанубий Кореянинг Экспорт-импорт банки 1976 йилда ташкил этилган бўлиб, давлатнинг расман экспорт кредит агентлиги ҳисобланади. Жанубий Кореянинг Эксимбанки чет мамлакатларида фаолият юритадиган корейс корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида экспорт кредити ва кафолати дастури мажмуасини тақдим этади. Шунингдек, банк иқтисодий барқарорликни ошириш ва саноатини яхшилашга интилувчи ривожланаётган мамлакатларни қўллаб-қувватлайдиган бир қатор жамғармаларни бошқаради. Эксимбанк жамғармаларни бошқаришда ҳукуматнинг ишончли вакили сифатида иштирок этади.

Корея Эксимбанкнинг асосий молия хизматлари қуйидагилар ҳисобланади:

Экспортни молиялаштириш. Банк миллий ва хорижий таъминотчилар учун экспорт кредитларини тақдим этади. Миллий компанияларга ажратиладиган кредитлар ўзида техник хизматлар, кичик ва ўрта корхоналар, савдо ҳисобварақларнинг қайта ҳисобини

Сўнги йилларда бу мамлакатдаги эксимбанклар қатор таваккалчиликларга дуч келмоқда. Хусусан, 2015 йил якунига кўра, жаҳон бўйича ўрта ва узок муддатли экспорт кредитлари ва инвестициялар сугуртаси ҳажми 3,252 млн. АҚШ долларига етди. Уларнинг 1,661 млн. доллардан ортиги тижорат таваккалчиликларини қоплаш учун йўналтирилди. 1,591 млн. долларга яқини сиёсий таваккалчиликларни қоплашга сарфланди. Қолган қисми тўланмаган қарздорликни қоплаш учун ажратилди.

Юқорида таҳлил қилинган мамлакатлардаги кредит-экспорт агентликлар тажрибаси биз учун ҳам қизиқарли бўлиши мумкин, айниқса, Ўзбекистонда «Ўзагроэкспортбанк» ташкил этилишига оид қарор қабул қилинган бир пайтда хорижий тажрибани ўрганиш фойдадан холи бўлмайди. Бу жараёнда миллий корхоналар (жумладан, кичик ва хусусий корхоналар) нисбатан устунликка эга соҳа, мисол учун, мева ва сабзавот экспорти учун кредит тақдим этиш муҳим аҳамиятга эга.

юритиш, форфейтинг ва экспортли факторинг учун кредитларни назарда тутади. Хорижлик харидорлар учун кредитлар тўғридан-тўғри кредитлар, лойиҳаларни молиялаштириш (жумладан, «яшил» лойиҳалар), таркибий тузилмаларни (жумладан, кемалар қатнови ривожланишига оид инвестициявий лойиҳаларни) молиялаштириш ва банклараро экспорт кредитларини ўзида мужассам этади.

Импортни молиялаштириш. Эксимбанк бу турдаги кредитларни ишлаб чиқариш учун зарур маҳсулот ва хомашён импорти қилувчи миллий компанияларга тақдим этади.

Хорижий шўъба корхоналарни молиялаштириш. Банк хорижда шўъба корхонасига эга Кореянинг компанияларини узок муддатли кредит билан таъминлаш ёки бир қисм улушига эга бўлиш орқали молиялаштиради.

Шунингдек, банк табиий маъданларни қазиб олиш учун кредит ажратади ёки но-молиявий хизматларни кўрсатади.

Шунингдек, мева ва сабзавотларни экспорт қилувчи корхоналарга экспорт кредити ажратилишидан ташқари эркин иқтисодий зоналардаги маҳсулот ва хизматларини экспорт қилувчи корхоналар ва қўша корхоналар учун ҳам кредит линияларини жорий этиш долзарб аҳамият касб этади. Бугунги кунда бу турдаги молиялаштириш лойиҳалари Ҳиндистон, Хитой ва Жанубий Кореяда муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Миллий маҳсулотларимизни харид қилаётган импортёрларга ҳам кредитлар ажратиш механизмни самарали жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бу билан маҳаллий маҳсулотлар, айниқса, юқори қўшимча қийматга эга, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилишининг рақобатбардошлигини оширишга эришилади. Хитой ва Жанубий Корея мамлакатлари мисолида айтиш мумкинки, эксимбанкларнинг фаолият юритиши орқали ижобий натижаларни қўлга киритиш мумкин.

Ислом ЖўРАЕВ.

Реклама

Navro'z bayramingiz
muborak bo'lsin,
aziz o'zbekistonliklar!

Intelligent
Solutions

Xizmatlar litsenziyalangan.

Дунёнинг энг кўркем банклари



Дания: «JUSKE BANK»

«Juske Bank» – Даниядаги ийрик банклардан бири. Одатда, бу банкка илк бора ташриф буюрган киши идора ичида қўлида қаҳваси бор ва табассум қилиб турган инсонлар ёки кўнгилочар медиа маҳсулотларни кўрсатиб турган катта ҳажмли мониторингни кўриб, баҳри дили қувнайди. Ушбу банкнинг ютуғи шундаки, у муваффақиятни қўлга киритиш учун аънавий банкларга умуман ўхшамаслик тамойили асосида фаолият юритади. «Juske Bank» банки бўлимлари «AskBar» (қабулхона ва маслаҳатхона), «CoffeeBar» (қаҳва ва газета, журналларига эга кўнгилочар ҳудуд) ва «MoneyBar» (ишчи ҳудуд)га бўлинган.

Маҳсулотлар чиройли гилофларга жойлаштирилган. Барча жойда банк хизматлари ва маҳсулотлари ҳақида маълумот беришчи роликларни намойиш этадиган интерактив мониторлар мавжуд.

Интернет манбалари асосида тайёрланди.

БАЙРАМ ШУКУҲИ



Қадимий қадриятларимиздан бири бўлган Наврўз мустақиллик йилларида юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар учун том маънодаги умумхалқ байрамига айланди. Наврўз руҳи ва фалсафаси одамзодни табиат билан уйғун яшашга ундайди, жамиятимизда меҳр-оқибат, дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугун ям-яшил адирларда от чоптириб, кураш тушиб юрган бўз йигитларни, баҳор янглиғ гул-гул очилиб бора-

Аҳиллик ва меҳр-мурувват айёми

Президентимизнинг жорий йил 28 февралдаги «2017 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Наврўз байрами бу йил мамлакатимизда умумхалқ сайли сифатида нишонланмоқда.

ётган сулув қизларни, дошқозонлар атрофида ўйин-кулгу, хурсандчилик қилаётган юртдошларимизнинг қувонч ва шодлигини кўриб, ҳар биримиз тинчлик ва осойишталикнинг нақадар бебаҳо бойлик эканини қайтадан кашф этгандек бўламиз, бу осуда ҳаётга шукроналар айтаемиз.

Мустақиллигимиз туфайли Наврўз мамлакатимизда наинки қайта қарор топди, аини чоғда изчил ривожланди, такомиллашди, эзгулик билан йўғрилган янги қирралари янада сайқалланди. Бугун Наврўз саховатли халқимиз катта қувонч билан нишон-

лайдиган азиз айём сифатида тамомила янги руҳ, ўзгача тароват касб этди. Эзгулик ва инсонийлик, оқибат, хайр-саховат – буларнинг барчаси мамлакатимизда Наврўз қадриятларига ҳамоҳанг равишда кенг қулоқ ёзмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2010 йил 23 февраль куни қабул қилинган қарорига биноан 21 март куни бутун дунёда Халқаро Наврўз куни деб эълон қилинди. Бу эса халқимизнинг асрлар оша давом этиб келаётган қадриятларидан бири – Наврўзи олам умуминсоний цивилизация ривож-

га қўшилганининг, бу байрам ўз маъно-мазмуни, гоёси билан инсониятни эзгуликка, бирдамликка, тинч-тотув яшашга, табиатнинг абадий мувозанатини асрашга ундаб келаётганининг юксак эътирофидир.

Янгилишиш ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси халқимизга хос одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак хусусиятлардан озиқланиб келади. Табиатнинг бу устувор кудратини ҳис этарканмиз, беихтиёр қалбларимизда ана шу фазилатлар тугён уради. Эзгу ниёт, покиза туйғуларимиз билан янги кунга – Наврўзга пешвоз чиқамиз. Шу баробар онгу тафаккуримиз, қалбимизда янгилишни ҳис этаемиз. Бу уйғониш нафаси йил бўйи ҳаётимизни нурафшон этади, яшариб ва покланиб яшашга ундайди.

Рашид МИРЗАКАРИМОВ.

Реклама



ASIA ALLIANCE
BANK

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ

*Сизни гўзал баҳор байрами –
Наврўзи олам билан табриклайди!*

Наврўз хонадонларимизга

файзу барака,

халқимизга фаровонлик

олиб келсин!

Тел.: 231-60-00

www.aab.uz

Хизматлар лицензияланган.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma Natkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

А.Н. НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

А.С. АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

ДИРЕКТОР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Газета таҳририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КЎМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАҲРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100084, Тошкент ш.,

Ғ. Мавлонов кўчаси, 1а-уй, 3-қават.

e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун
234-43-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба куни чиқади.

Буюртма № 880.

Адади 8561 нуска.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 22.03.2017 й., 9.00.